ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА ЎТИШ ДАВРИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ МАСАЛАСИ

К.Б.Шахобов

Мақолада дунё адабиётида ўтиш даври тушунчасининг ўрганилиши, талқини, ўтиш даврининг турли босқичларида яратилган асарлар, ўтиш даврида жамиятда юзага келадиган ижтимоий муаммоларнинг бадиий талқини масаласи таҳлилга тортилган. Шунингдек, ўзбек адабиётида XX аср бошлари ва 80-90-йиллардаги яратилган асарларда ўтиш даврининг бадиий талқини масаласи тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *образ, деталь, ўтиш даври, қиёслаш, ҳикоя.*

В статье представлено истолкование и интерпретация в изучении понятия переходного периода в мировой литературе, различные произведения, созданные на различных этапах переходного периода. Дано обзорное рассмотрение, связанное с проблемой художественной интерпретации социальных проблем возникающими в обществе переходного периода.

А также, исследована художественная интерпретация переходного периода в произведениях, созданных в начале XX века и 80-90-годы в узбекской литературе.

Ключевые слова: *образ, деталь, переходной период, сопоставление, рассказ.*

The article presents comments and interpretation of the concept on the transition period in world literature, different works, created at different stapes of the transition period. Outline consideration, connected with the problem of literary interprellation of social problems which came into being during the transition period in the soviety is also given.

Key words: *apperanse, detail, transition period, comparision, story.*

Ўтиш даврига хос ижтимоий-маданий ҳамда маънавий-руҳий ўзгаришлар, албатта, санъатда, бадиий адабиётда ўз ифодасини топмай қолмайди. Ўтиш даври ижод аҳли учун янги мавзу ва муаммоларни бериши билан бирга адабиётнинг ўзидан ҳам давр талаб-эҳтиёжларига мувофиқ ўзгаришни тақозо этади. Шунга кўра XX аср биринчи ярми ўзбек адабиёти икки хил, яъни капиталистик муносабатларга (гарчи якунига етмаган бўлса-да) ҳамда кейинроқ социализмга ўтиш даври адабиётидирки, унга ҳар икки жараёнга хос ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи ва Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романида 1917 йил арафасидаги Туркистон воқелиги тасвирланган бўлиб, тарихий воқелик муаллифларнинг дунёқарашига кўра турлича бадиий талқин этилган: “Кеча ва кундуз” романида ёзувчи идеали томон юз бурган қаҳрамон – Мирёқуб образи капиталистик муносабатларнинг илк куртаклари пайдо бўлганлиги ва бу ҳол Туркистон ҳаётида прогрессив аҳамиятга эга эканлигини асослашга хизмат қилади; “Қутлуғ қон” романидаги синфий кураш тасвири орқали муаллиф социалистик тузумга ўтишнинг заруратини асослашга ҳаракат қилади. Шунга ўхшаш фикрни А.Қодирийнинг “Обид кетмон” қиссаси билан А.Қаҳҳорнинг “Қўшчинор чироқлари” романи ҳақида ҳам бемалол айтиш мумкин. Чунки ушбу асарлар муаллифларининг қаламга олинган давр ижтимоий ҳодисаларига, коллективлаштириш жараёнининг мазмун-моҳияти, унинг миллат тақдиридаги ўрни ва аҳамиятига қарашда қисман бўлса-да, фарқли муносабатлари сезилиб туради. Агар А.Қодирий қаҳрамони ўзгаришларни, улар келтириши мумкин бўлган фойда-зарарни, атрофидаги кишиларнинг ҳодисани қандай қабул қилаётганларини мушоҳада қилаётган киши бўлса, А.Қаҳҳор қаҳрамони – воқеа оқимига тушган ва унинг измида колхознинг афзаллигини англаётган одам. Яъни, бу муаллифларнинг биринчисида воқеликни бадиий идрок этиш (том маънодаги бадиий ижод), иккинчисида эса мавжуд ҳолатни бадиий тасдиқлаш мақсади устуворлик қилганини сезиш қийин эмас. Бошқача айтсак, А.Қодирий учун “ўтиш даври”нинг ўзи бадиий идрок объектига айланган бўлса, А.Қаҳҳор ўз олдига бундай ижодий мақсад қўймайди, чунки бунга эҳтиёж сезмайди – воқелик билан зиддияти йўқ. Шундай хулоса келиб чиқадики, ўтиш даврида яратилган ҳамма асарларда ҳам “ўтиш даври” муаммога айланмайди, шунингдек, ўтиш даври ҳақидаги асарларнинг ҳаммасида ҳам “ўтиш даври” муаммо қилиб қўйилмайди.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига ойдинлик киритиб олиш зарурати туғилади. Гап ўтиш даври адабиёти ҳақида борар экан, “ўтиш даври адабиёти” ҳамда “ўтиш даври бадиий-эстетик идрок объекти қилиб олинган асарлар” тушунчаларини ўзаро фарқлашга тўғри келади. Масалан, XX аср бошлари ўзбек адабиётидаги барча асарларга ўтиш даври адабиётининг намуналари сифатида қараш мумкин, бироқ уларнинг барчасида ҳам асар яратилган давр воқелиги бевосита объект қилиб олинмаган. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида муаллифни асар ёзишга ундаган давр муаммолари метафорик тарзда ўтмиш воқелиги тасвири орқали бадиий идрок этилади. Яъни, “Ўткан кунлар” романи XX аср бошларидаги ўтиш даврида яратилган, бироқ ана шу ўтиш даврининг ўзи бадиий-эстетик идрок объекти қилиб олинмаган асардир.

Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон” қиссаси ва Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи эса ўтиш даври бевосита бадиий-эстетик идрок объекти қилиб олинган асарлардир. Юқорида “Обид кетмон”да ўтиш даври бадиий идрок объекти бўлгани айтилди. Бироқ А.Қодирий ўзи англаган моҳиятни борича эмас, балки шўро замони имкон берган даражадагина акс эттирганини ҳам эътиборда тутиш керак. Шунга кўра мазкур икки асарнинг ўз даврида жамият ҳаётининг турли жабҳаларида социализм қурилиши қандай кечаётганини акс эттирувчи асарлар сифатида тушунилгани ва баҳолангани ҳеч ажабланарли эмас. Дарҳақиқат, яхлит олиб қаралса, “Обид кетмон” қиссаси коллективлаштириш жараёнини тасвирлаш орқали, “Сароб” романи эса социализм қуришга халақит бераётган “ёт унсур”ларнинг танлаган йўли сароб эканлигини кўрсатиш орқали янги тузумнинг муқаррар ғалабасини акс эттиришга бағишланган. Шу билан бирга бу асарларда, биринчидан, ўтиш даври воқелигини акс эттиришда, унинг бадиий талқинида жиддий фарқлар мавжудлигини, Қодирий билан Абдулла Қаҳҳор турли авлод ижодкорлари, турлича дунёқараш эгаси эканликларини ҳам назарда тутиш зарур бўлади. Иккинчи томондан, бу асарлар яратилган давр ижтимоий-сиёсий вазиятини ҳисобга олсак, танланган (аслида буюртма берилган) мавзунинг ўзиёқ улар мафкуравий назорат остида бўлишини тақозо этиши ҳам табиий эди. Чунки, масалан, “Обид кетмон”да акс этган коллективлаштириш жараёни ҳали-ҳануз шўро сиёсати кун тартибидаги энг муҳим масала бўлиб турган палла эди. “Сароб”да танланган йўл – янги тузумни онг чиғириғидан ўтказиб бериш эса таъсир эътибори билан ғоят кучли, шу боис унинг ғоявий йўналиши қай томон экани ғоят муҳим аҳамият касб этар эди. Ўз вақтида асар ҳақида кескин баҳс-мунозаралар кечгани, бу жараёнда салгина шубҳали кўринган

деталларга ҳам эътироз қилингани шу “муҳимлик” билан изоҳланади.

Юқоридагилардан амин бўлиш мумкинки, давр ижтимоий тафаккури бадиий асарларда у ёки бу ўтиш даврининг қандай талқин қилинишига жиддий таъсир қилиши мумкин бўлган омил экан. Аслида ҳам шундай бўлган: шўро даври мафкурачилари бу масалага жиддий қараганлар, цензура ҳушёрликни асло қўлдан бермаган. Шунинг учун ҳам, масалан, “Кеча ва кундуз” тақиққа олиниб, мактаб ва олий таълим дарсликлари “Қутлуғ қон”нинг бирёқлама талқинлари билан тўлдирилган. Шўро адабиётшунослигида “Обид кетмон”га “Қўшчинор чироқлари”дан (бу ўринда Қўшчинор”нинг то шўрога кўпроқ мақбул “Қўшчинор чироқлари”га айлангунча кечган жараён бошқа масала [1.51]) кўра паст баҳо берилгани ҳам аслида шу билан изоҳланади. Бошқа томондан, ўтиш даврининг кейинги даврлар адабиётидаги талқинлари ҳам, табиийки, бевосита ижтимоий тафаккурга боғланади. Яъни, бир томондан, ўтиш даврининг имкондаги турлича талқинлари ҳамиша мавжуд, иккинчи томондан, ўша имкондаги талқинлардан қайси бирининг актуаллашиши ҳам, қайси бирининг расман қўллаб-қувватланиши ҳам давр ижтимоий-сиёсий шароити билан боғлиқдир.

Демак, ўтиш даври адабиёти намуналарининг барчасида ҳам ўтиш даври бевосита акс эттирилмагани каби, ўтиш даври бадиий-эстетик идрок объекти қилиб олинган асарларнинг барчаси ҳам ўтиш давригагина мансуб бўлмайди. Яъни, ўтиш даври ҳақида кейинроқ ҳам асарлар яратилиши мумкин ва табиий. Ўтиш даврини бутун мураккаблиги билан бадиий акс эттириш ва теран бадиий идрок этиш кейинги даврларга насиб этади, деган фикрга ҳам, умуман олганда, қўшилиш керак. Чунки муайян даврнинг эстетик объектга айланиши учун ижодкорнинг ундан узилиши, унга четдан холис назар ташлай олиши тақозо қилинади. Иккинчи томондан, конкрет даврда юзага келган янги ижтимоий-тарихий шароит ўтмиш фактига айланиб бўлган “ўтиш даври”нинг янгича идрок қилинишини тақозо этади. Масалан, XX асрнинг 20-йилларида авж олган миллий озодлик ҳаракати – социализм учун қонли урушлар давридан “босмачилик” деб аталган ушбу ҳаракат шўролар адабиётида кўплаб асарларга мавзу бўлган эди. Жумладан, М.Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” дилогияси, Асқад Мухторнинг “Опа-сингиллар”, Х.Тўхтабоевнинг “Йиллар ва йўллар”, Ҳамид Ғуломнинг “Машъал” романларида бу мавзу маълум даражада ўз аксини топганини эслаш мумкин. Ўтган асрнинг 80-90-йилларига келиб эса ушбу ижтимоий ҳаракат қайтадан баҳоланди, бу ҳодисага ҳақли равишда “миллий озодлик ҳаракати” сифатида қарала бошланди. Ўз навбатида, ижтимоий қарашнинг бу тарз ўзгариши “босмачилик”нинг бадиий адабиётдаги талқинига ҳам таъсир кўрсатдики, Шукур Холмирзаевнинг “Қора камар” драмаси, Баҳодир Мурод Алининг “Кўктўнликлар” қиссаси каби асарларда у миллий озодлик ҳаракати сифатида қайтадан бадиий идрок этилди. Шунингдек, шўро ҳокимиятининг социализм қуришда социализмга “ёт унсур”ларни қатағон этиш сиёсати акс эттирилган асарларни ҳам ўтиш даври бадиий-эстетик идрок этилган асарлар қаторига қўшиш мумкин. Худди миллий озодлик ҳаракатига бўлгани каби истиқлол арафаларидан бошлаб шўроларнинг қатағонларига ҳам муносабат ўзгариши бу ҳодисанинг бадиий талқинига ҳам жиддий таъсир кўрсатди (О.Ёқубовнинг “Музқаймоқ” ҳикояси, Зулфиянинг “Хотирам синиқлари” достони).

Хуллас, навбатдаги масала ўтиш даврининг бадиий талқини масаласидир. Ўтиш даври талқинида даврнинг ижтимоий-маданий шарт-шароитлари ва улар таъсирида шаклланган муаллиф дунёқараши муҳим ўрин тутади. Бу борада профессор Д.Қуронов октябрь ўзгаришлари арафасидаги Туркистон воқелиги тасвирланган Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” ва Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романлари мисолида қайд этган фикрлар мазкур масаланинг моҳиятини тушунишимизга ёрдам беради. Олимнинг фикрича, яқин ўтмишнинг бадиий тадқиқи асосида Ойбек октябрда танланган йўл тўғри эди, деган хулосага келган, натижада адиб руҳиятидаги зиддият ва чигалликлар барҳам топган. Ундан фарқли ўлароқ, “... юртининг ўтмишига йигирма йил юксаклигидан назар солган Чўлпон “Кеча” романида октябрь инқилобининг амалга ошиши ижтимоий-тарихий зарурият эмас, балки давр талотўпларининг ҳосиласи эканлигини, халқини чинакам саодатга элтиши мумкин бўлган йўл бошқа бўлганлигини ўзи учун яна бир карра тасдиқлаб олди-да, ўзи англаган ҳақиқатни йўли билан ўқувчисига етказишга интилди” [2. Б.119].

Кўрамизки, социализм қуриш жараёнида шўро ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган ишлар натижасида Чўлпон ва Ойбек ўз руҳиятида юзага келган зиддиятларни ҳал этиш учун октябрь ўзгаришлари арафасидаги Туркистон воқелигини бадиий-эстетик идрок объекти қилиб оладилар, ҳар иккала ижодкор ўзининг дунёқарашидан келиб чиқиб жамиятнинг эски ижтимоий муносабатлардан воз кечиб, янги муносабатларга ўтишда танлаган йўли масаласида турлича хулосага келадилар. Шу билан бирга Д.Қуронов воқеликнинг бадиий талқини масаласида “реал воқелик” ва “бадиий воқелик” тушунчаларини фарқлаш лозимлигини ҳам

таъкидлайди. Олимнинг фикрича, инсон воқеликни ўзининг дунёқараши билан боғлиқ ҳолда кўради, биз “реал воқелик” деб атаётган нарса турли индивидлар онгида турлича аксланади ва турлича баҳоланади, шунга кўра “ҳақиқат” тушунчаси нисбийдир. “Бир даврда яшаган бир неча ижодкорнинг бир хил мавзудаги асарида тамоман фарқли ғояларнинг илгари сурилиши, воқелик уларда турлича баҳоланиши мумкиндир. ... Чўлпон ва Ойбек романларида яратилган бадиий воқелик бир-биридан кескин фарқланади, бироқ ҳар икки адиб учун ҳам ўзи яратган бадиий воқелик реал воқеликдан да реалроқ, буни тан олмаслик ижод ва фикр эркинлигини тан олмасликка олиб келади” [3.Б.95].

Ўтиш даврининг бадиий талқини масаласида диққат қилиниши лозим бўлган жиҳатлардан яна бири унинг реалистик ёки нореалистик йўсинда тасвирлангани масаласидир. Масалан, ўрта асрларнинг охирги ва Уйғониш даврининг илк шоири саналувчи Данте Алигьерининг “Илоҳий комедия” асарида эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш шартли-мажозий усулда акс эттирилган. Юксак даражадаги бадиий шартлилик ва насроний адабиёти кенг қўллаган рамзий-мажозий образлар ёрдамида Данте ўзининг замонаси – ижтимоий муносабатлар ва кишилар дунёқарашида кескин ўзгаришлар содир бўлаётган “ўтиш даври”ни бадиий тадқиқ этади. Асарнинг аслида замонавий муаммоларга бағишланганини шундан ҳам кўрса бўладики, Данте ўзининг сиёсий мухолифлари – бу даврга келиб догмага айланган мавжуд ижтимоий-сиёсий муносабатлардан манфаатдор ва шу боис уларнинг қиёматга қадар барқарор туришини истовчи мухолифларини ҳали ҳаётда эканларига қарамай, дўзахга жойлаб қўяди. Даниэль Дефонинг “Робинзон Крузонинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари” асарида эса феодал-монархик тартиботлар барҳам топиб, капиталистик муносабатлар шаклланаётган “ўтиш даври” сафнинг олдига чиқарган уддабурон ва тадбиркор инсон образи маърифатчилик реализмига хос дидактикага уйғун ҳолда акс эттирилган. Шу жиҳатдан, Чўлпоннинг “Доктор Муҳаммадиёр”, Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг “Бефарзанд Очилдибой”, Ҳамзанинг “Янги саодат” номли асарлари ҳам ўзбек жадид адабиётидаги дидактик реализм намуналари саналади. Зеро, уларнинг марказида ҳам ўқувчига ибрат намунаси ўлароқ яратилган “ўтиш даври”га ҳар жиҳатдан мувофиқ замона қаҳрамонлари ҳаракатланади, ортида эса давр кишилари онги ва ижтимоий ҳаётида кечиб турган эврилишларни теран мушоҳада қилаётган ижодкорлар туради. Д.Дефонинг замондоши Жонатан Свифт бўлса “Гулливернинг саёҳатлари” асарида капиталистик муносабатларга ўтиш жараёнини бошдан кечираётган жамиятнинг муаммо ва зиддиятларини шартли-мажозий маконга кўчирган ҳолда, фантастик унсурлар воситасида бадиий идрок этишга ҳаракат қилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўтиш даври фақат бизнинг жамиятимиз учунгина хос бўлиб қолмай, барча постсовет мамлакатлар учун умумий ижтимоий-маданий ҳодисадир. Инна Калита таъкидлаганидек, “СССР қулаганидан сўнг бошланган миллатларнинг коммунистик мафкурадан фориғ бўлиш жараёни ҳар бир мамлакатда миллий ўзига хосликнинг шаклланиши билан боғлиқ, - яхлит олганда эса бу – ўтиш даври, изланишлар ва ўзгараётган олам манзараларининг алмашиниш давридир” [4.Б.67]. Шунингдек, Т.Толстая, Р.Сенчин, З.Прилепин, С.Шаргунов каби рус адиблари асарларида аксарият ўтиш даврининг муаммолари акс эттирилган. Хусусан, замонавий рус адабиётининг атоқли вакилларидан бири В.Пелевин мазкур давр акс эттирилган асарларини “Ҳеч қаердан ҳеч қаёққа ўтиш даврининг диалектикаси” деган умумий ном остида чоп эттирди [5].

Умуман олганда, собиқ шўро давлатларида ўтиш даврининг бошланиши 80-йилларнинг ўрталаридан кузатилгани каби бадиий адабиётда ўтиш даври муаммоларини акс эттиришда ҳам постсовет мамлакатлар учун бир қатор умумийликлар кўзга ташланади.

Адабиётлар:

1. Қўчқор Р. “Қўшчинор” тақдири. // Қўчқор Р. Мен билан мунозара қилсангиз... – Т.: Маънавият, 1998.
2. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. - Т.: Шарқ, 2004.
3. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. - Toshkent: Fan, 2007.
4. Калита Инна. “Новый реализм” русской литературы в зеркале манифестов XXI века. // SLAVICA LITTERARIA, 2016. №1 (19).
5. Пелевин В.О. Диалектика Переходного периода из Ниоткуда в Никуда: Избранные произведения. – М.: Изд-во. Эксмо, 2003.

Андижон давлат университети,
2018 йил 23 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)